



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 28 июл, чоршанба № 102 (749)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

27 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳамда иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишларининг амалга оширилишига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, кўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари катнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мажлисда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган ярим йил давомида жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодий



барча соҳаларининг изчил ривожланишини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилганини, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун шароит яратилганини таъкидлади.

Юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида жорий йил муҳим босқич бўлганини қайд этди. Бу ютуқлар соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижасидир, деди Президент.

Йўлбошчимиз бугунги кундаги асосий вазифа ислохотлар ва янгилашни йўлидан орқага қайтмай, халқ турмушини яхшилаш, мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўини ошириш, юртимиздаги барқарорлик, тинчлик ва тотувликка бўлаётган таҳдидларга нисбатан оғоҳ бўлиш эканлигини алоҳида уқтирди.

Мажлисда жорий йилнинг олти ойи давомида иқтисодий ўсишга эришилгани, sanoat, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана савдо, аҳолига пулли

хизматлар кўрсатиш ва иқтисодий инвестиция ётқизиш ҳажми ортгани қайд этилди.

Айни пайтда, корхоналарни ислоҳ қилиш суръатларининг пастиги туфайли уларнинг молиявий аҳоли мураккаб-леғича қолмоқда. «Ўзбекнефтогаз» миллий холдинг компанияси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ўзаро қарзлар миқдори ҳамон юқори. «Ўзавтосаноат» ва «Ўзмашсаноат» уюшмалари, «Ўзқишлоқхўжалиқмаш-

холдинг» компанияси, «Кўмир» акциядорлик бирлашмасида дебиторлик-кредиторлик қарзлари қисқармаяпти. Бир қатор инвестиция лойиҳалари, корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга сотиш, шунингдек, хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқариш ҳисобига бюджетга маблағ тушириш борасида ҳам қолоқлик мавжуд.

Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В.Чжен, Бош ва-

зир ўринбосари А.Исаев, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ф.Муҳамедов ва бошқаларнинг ахбороти тинланди.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎЗА)
Суратларда: Мажлис пайти. А.Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида

Солиқ имтиёзлари аниқ берилишини таъминлаш, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетнинг даромад базасини шакллантиришнинг ягона тамойилларини белгилаш мақсадида:

1. Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шўба тузилмаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар 1999 йилнинг 1 сентябидан бошлаб улар амалга оширадиган ножиҳат фаолиятига жорий этилиши белгилаб қўйилсин.
2. Тижорат фаолиятининг айрим турларига солиқ солиш бўйича амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзлар мазкур жамғармалар, жамиятлар, корхоналар ва тузилмаларга умумий асосларда табиқ этилади.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:
4. Хўшбўй Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги У.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1999 йил 26 июл.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Хўрматли Ислам Абдуганиевич!

Хар қандай давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътибори аввало унинг аҳолисининг тинч-фаровон ва осойишта ҳаёти, моддий ва маънавий тараққиёти билан белгиланади.

Кўп миллатли мустақил Ўзбекистонимиз билан шу нукта назардан биз ҳар қанча фархлансак арзийди. Сизнинг оқилона ва одилона сиёсатингиз туфайли биз шунчалки қисқа муддатда ҳар бир соҳада оламшумул ютуқларга эришяётганимиз сир эмас.

Ўзбекистон Республикасининг ахраламас бир қисми бўлган кўп миллатли Қорақалпоғистонда иқтисодий, маънавий жаҳаларда кўлга киритилган муваффақиятларнинг буюк омили халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бу йўлдаги Сизнинг тинимсиз сарҳадларингиз деб биламиз.

Бунинг яна бир яққол исботи биз Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ўтказилган «Миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик-барқарорлик омили» мавзюида ўтказилган илмий-амалий конференция мисолида кўришимиз мумкин. Унда Қорақалпоғистондаги ҳар бир фуқаро ўз динидан, этниконидан, миллатидан ва келиб чиқилишидан қатъий назар, мустақилликни мустаҳкамлаш учун Сизнинг ички ва ташқи сиёсатингизни тула қўллаб-қувватлаши, келажаги буюк давлатимизни янада ривожлантириш, келгуси авлодларга биздан озода ва обод Ватан қилиш учун оғуҳликни бир шунча умутдан, бир-бировага йўлдош, кўлдош ва елкадош бўлиши лозимлиги кўп бор таъкидланди.

Сизга толмас куч-қувват, сиёсий фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ю.КУЛАКОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси рус миллий-маданий маркази раиси,
С.НУРҲУЖАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси қозок миллий-маданий маркази раиси,
З.ТЕН,
Қорақалпоғистон Республикаси қореец миллий-маданий маркази раиси.

МАМЛАКАТИМИЗ ГАЛЛАКОРЛАРИНИНГ УЛКАН МЕХНАТ ЗАФАРИ

Мамлакатимиз галлакорлари улкан меҳнат зафарига эришдилар. Қарийб 3,6 миллион тонна галла йиғиб-териб олинди. Давлатга 2 миллион 205 минг тоннадан зиёд дон топширилиб, белгиланган марра шараф билан бажарилди. Ҳосилдорлик гектар бошига республика бўйича ўртача 31,1 центнерга етди. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида - 72,7, Хоразм вилоятида - 58, Самарқанд вилоятида - 42,7, Бухоро вилоятида - 34 центнерни ташкил этди. Ана шу вилоятларнинг айрим туманларида эса ҳосилдорлик бундан ҳам юқори бўлди. Жумладан, Асака туманида - 85, Марҳамат туманида - 83,6, Хива, Хонқа ва Янгиарик туманларида - 60-61 центнергача хирмон уйилди.

Мамлакатимизда уруғчилик тизими тобора шаклланиб, турли минтақаларга мос уруғлик танланаётгани, экинни парваришда зарур барча агротехника қондаларига қатъий риоя этилаётгани муваффақият гарови бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу йил галла мустақиллигини тула-тўқис таъминлаш мақсадида деҳқончиликда ота-боболаримиздан қолган бой тажрибани такомиллаштириш, ўтган йилларда йўл қўйилган ҳаёт ва камчиликларга барҳам бериш, далаларга эртапишар, серҳосил, касаликларга чидамли маҳаллий навларни кўпроқ экишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига қилган сафари чоғида деҳқонлар, фермерлар, мутахассислар билан бўлиб ўтган учрашувларда ана шу йўлни зўр қатъият билан давом эттириш, бу бордаги тажрибани кенг ёйиш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар.

Шу бугунга қадар мавжуд галла майдонларининг қарийб 1 миллион 223 минг гектариди ҳосил сифатли ўриб-йиғиб олинди. Урим-йиғимга жалб этилган 6551 та қамбайдан, айниқса, хориждан келтирилган 1184 та замонавий «Кейс» ва «Клаас» агрегатларидан унумли фойдаланилди.

Галладан бўшаган ерлар пешма-пеш ҳайдалиб, 17 минг гектарига уруғлик учун, 111 минг 300 гектарига силос учун макка уруғи сепилмоқда. Қолган майдонларга сабзавот, шолчи, соя, тарих ва картошка такрорий экин сифатида экилаётир.

Айни вақтда жойларда галла ўрими-йиғими қизиб давом этмоқда.

(ЎЗА)

ТАДБИРКОРЛИК - ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислохотлар якунига бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузаси

Хўрматли мажлис қатнашчилари!

Бугун биз сонда мамлакатимизнинг 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунларини муҳокама қилмоқдамиз. Бу йил янги аср арафасида иқтисодий таъминоти ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган йирик миқёсдаги дастур учун мустаҳкам замин ва пойдевор бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу сабабли ана шу пойдеворни бунёд этишда нималарга эришганимиз ва эришяётганимизни танқидий нукта назардан таҳлил этиш, жорий йилга мўлжалланган устувор вазифаларни қай даражада амалга ошира олганимизни баҳолаш, ислохотлар йўлида изчил олға ҳаракат қилишимизга нималар ҳалақит бериб, нималар тўқинлик қилаётгани ҳақида очик-ошди гаплаштириш олиш катта аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун ўз фаолиятимизни бунёд ва ошқорча баҳо беришимиз, ижобий силжидимизни эътибор этиш билан бирга, энг муҳими, ишчимиздаги заиф ва оқсоқ жойларни ҳам аниқлаб, уларни бартараф қилиш чораларини белгилаб олишимиз зарур.

Мен бугунги мажлисининг асосий маъноси ҳамда вазифаси мана шунда деб биламан.

Агар шу нукта назардан ярим йиллик натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, мен, аввало, жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, мамлакатимиз иқтисодий таъминоти йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди, деб айтган бўлардим.

Ярим йиллик мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,8 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,6 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 6,8 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари - 2,4 фоизга ошди.

Жорий йилда кимё ва нефть кимё саноати, машинасозлик ва металлургия соҳасида, энгил саноат, озик-овқат, ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати каби тармоқлар изчил суръатлар билан ривожланди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 9,6 фоизга ошди. Газ қазиб олиш, бензин, дизель ёқилғиси, суолтирилган газ, энгил машиналар, лифтолар, фосфат ўғитлар, бир қатор исотемол моллари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсди.

Ярим йиллик мобайнида қўлга киритилган ижобий ютуқлар сифатида молия ва пул-кредит тизимининг янада мустаҳкамланганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Солиқ ва пул муомаласини тартибга солиш сиёсати соҳасида қўрилган қатъий чоралар натижасида биз давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоиз камомад билан тўлдиришга муваффақ бўлдик. Бу мўлжал қилинган кўрсаткичлардан анча пастидир.

Пул-кредит сиёсати соҳасида пул ҳажмининг ўсишини назорат қилувчи са-

марали механизм ишлаб чиқилди ва у инфляцияни жилволаш учун кучли омили бўлиб хизмат қилди.

Биринчи ярим йиллик давомида ўртача ойлик инфляция кўрсаткичи 1,9 фоизни ташкил этди, эмиссион натижалар бўйича 3,4 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Кўп вақтдан буён Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкалари ойига 3 фоиз миқдорда барқарор бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида банкларнинг инвестицион кредитлари ҳажмини кенгайтириш ва умумий кредит ресурсларини ҳажмида уларнинг улушини 55,2 фоизга ошириш имконини берди.

Иккинчидан, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани жорий йилда йилнинг энг устувор вазифаси - аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун реал шароит яратди. Халқимизни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш масаласи эса, ўзингизга яхши маълумки, ислохотлар жараёнининг асосий тамойиллини, керак бўлса, маъно-моҳиятини ташкил этади.

Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли сонига нисбатан тез суръатлар билан ўсиши туфайли одамларнинг турмуш даражасини изчил ва барқарор равишда оширишга имкон туғилди. Иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларни ошириш юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳам бунга амал қилмоқда.

Кунни кеча 1 августдан эътиборан ўртача иш ҳақи, стипендиялар, пенсия ва нафақаларни 1,4 баробар

ошириш ҳақида Фармон қабул қилинди. Агар январ ойидаги иш ҳақи ва пенсия, стипендияларнинг оширилганини қўшиб ҳисоблайсан бўлсак, бу рақам йил бўйича 1,7 баробарни ташкил этади. Бу таҳмин қилинган инфляция, яъни нарх ошиши суръатларига нисбатан 3 марта кўндр. Иш ҳақини ошириш учун қўшимча 50 миллиард сўмлик бюджет маблағлари қидириб топилди.

Аҳолининг ночор табақалари - кам таъминланган оилалар, ноғиронлар, ёлғиз нафақадорларга давлат томонидан кўрсатилган ижтимоий ёрдамнинг аниқ бориб етишига катта аҳамият берилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш таъминлаш учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий замин ва самарали механизм яратилди. Ижтимоий муҳофазанинг жамият ўзаги бўлиши оилага қаратилган унинг асосий хусусиятидир.

Ўтган олти ой давомида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига қарийб 19 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда амалга оширилган кўчли ижтимоий сиёсат туфайли 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган бир миллиондан ортиқ оила, 260 мингдан зиёд кам таъминланган оила ва икки ёшга тўлмаган гўдакларнинг тарбия қилаётган, 540 минг ишламайдиган оила давлатдан ёрдам пули олмақда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастури из-

чиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда. Республика вилоят ва туманлар миқёсида жадал табиий ёрдам кўрсатишини яхлит тизим ишлаб чиқилмоқда. Қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш ривожланиб бормоқда.

Тиббий хизматнинг амбулатория-поликлиника ва бошқа кундузги шаклларда медицина ёрдами кенгаймоқда. Бу соҳада хусусий тиббиёт муассасаларининг фаолияти ҳам жонланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 1300 дан зиёд хусусий тиббиёт муассасалари мавжуд ва 3000 дан ортиқ врач хусусий тарзда фаолият кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида оналар ва чақалоқлар ўлими, бир қатор ўткир инфекция касалликлар камайиб бормоқда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар тизимида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини, биринчи қалда, қишлоқ аҳолини, ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ҳар бир аҳоли маҳаллини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни кўзда тутадиган махсус дастур қабул қилинган.

Фақат ўтган ярим йиллик мобайнида 900 километр атрофда водопровод ва 2 минг километрдан зиёд газкувур тармоқлари

ишга туширилди. Бу рақам қишлоқ жойларда тегишли тарзда 850 ва 1950 километрни ташкил этади. Эътибор қилган бўлсангиз, барча водопровод ва газкувур тармоқларининг 95 фоизи айнан қишлоқ жойларда ётқизилди.

Шу билан бирга водопровод ва газ қувурлари ётқизилиши бўйича мўлжалланган дастурнинг атиги 47 фоиз даражасида бажарилганини таассуф билан қайд этиш лозим. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ҳокимликлари, Коммунал хизмат вазирлиги ва аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга маъсул бўлган бошқа вазирлик ҳамда идоралар йил охирига қадар йўл қўйилган қоқоқликни бартараф этиш, водопровод ва газ қувурлари ётқизилиши бўйича белгиланган топшириқларни сўзсиз адо этиш юзасидан барча чора-тадбирларни қўришлари шарт.

Учинчи. Жорий йилда галла мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича яна бир дадил қадам қўйилди.

25 июлгача бўлган маълумотга кўра, мамлакатимиз деҳқонлари 3,6 миллион тонна галла маҳсулотини йиғиб-териб олдilar. Давлатга 2,2 миллион тоннадан зиёд галла топширилди, яъни белгиланган марралар шараф билан бажарилди.

(Давоми 2-бетда)

Ёмғир дарахт губорини ювгандай гимнастика ба- дан губорини тозалайди.

Гиппократ Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жис- моний тарбия ва спортни янада ривожлатириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси жойларда қандай амалга оширилаётгани билан кизиқиб Мирзачўл туман судида бўлдик. Суд раиси ўринбосари, девонхона мудирини Эшмурод Раҳматов муҳбиримизга қуйдагиларни сўзлаб берди:

БУ ЮРТДА ИҚТИДОРЛИЛАР КҮЙ

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга оид тарихий қарорлар қабул қилингани барча спорт иштиқозлари, мураббий ва спортчиларнинг чексиз қувончларига сабаб бўлаётир. Биз ҳам ўта муҳим ишга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида барча ходимларимиз билан биргаликда ҳафтада уч кун - 7дан 8.30 гача шуғулланишни йўлга қўйганмиз.

Зеро, спорт билан мунтазам шуғулланиб турган одамнинг тани соғ, кайфияти чоғ бўлади. Демакки, ишинг унумли бўлишида унинг ўрни катта.

Ўзим Хитой соғломлаштириш гимнастикаси - Тайцзици Цюань Чань Цюань билан мунтазам шуғулланиб келаман. У-шу бўйича спорт устасиман. Навоий бобомизнинг «Хунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққама кетгумдур охир», деган ўғитларига амал қилиб, қўлимиздан келганча ходимларимизга унинг сирларини ўргатаймман. Умуман, қаерда бўлмасин раҳбар ходим ўз жамоа аъзоларини спортга жалб қилмоғи лозим. Ишда соғлом муҳитни яратмоқ даркор. Бизнинг ходимларимиз мунтазам шуғулланаётганини кўриб туман ёшлари ҳам илтимос билан келишмоқда. Демак-ки, ёшларда спортга кизиқиш, интилиш катта. Фақатгина уларга шароит яратиб беролмас кифоя. Спортнинг афзал томонларини гапириб ўтириш ортиқча. Шу ўринда бир мутафаккирнинг, спорт ишонч-этиқод маданиятини, тетиқлик маданиятини шакллантиради, деган гапини эслатиб ўтмоқни лозим топдик.

Биз нафақат институтлар, клубларда спортчилар тайёрлашга, балки тармоқларга ҳам алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Чунки бу ерларда талантлар оз дейсизми?! Мамлакатимизда хали кўпдан-кўп етук спортчилар етишиб чиқишига аминман. Айтдиларку «Асли наслида бўлмас...» деб, бизнинг наслимизда, яъни қонимизда бор бу нараса. Бу юртда не-не аллар, не-не пахлавонлар ўтмаган дейсиз. Улар билан фахрланмоғимиз ва улардек бўлишга интилоғимиз керак.

Темур Малик болалик вақтидан шахсан Текаш- хоннинг тарбиясида бўлган ва улгайғач, шу хона- донга сadoқат билан хиз- мат қилиб келган, Жало- лиддин Мангубердиннинг амакиваччаси, харбий со- хадаги устози ҳамда уни- нг энг яқин ҳаммаслак сафдоши бўлиб келган. У 1210 йилда Қорахитойлар билан бўлган узил-кесил жангда жа- хоншумул ғалабани таъ- мин этганлиги учун хар- бий кенгаш қарори билан унга яқдиллик сар- дори акрам (генералис- симус) унвони берилган. 1216 йилда Иргиз дарё- си бўйида илк бор мўғул- ларнинг Жўжихон бошчи- лигидаги олдинги йирик қисмлари ила тўқнашув- да ҳам Жалолиддин Ман- губерди билан биргалик- да душманга қаршилик зарба берилган эди. Хо- размшоҳ Мухаммад II уни «Мамлакатимнинг қалко- ни, қилчичининг даста- си» деб улуғлаган Темур Малик замонасининг тен- гисиз истеводли дово- ра ботир саркардаси бўлган. Юмшоқ табиати, билимдон, ўткир сиёсат- дон, кўл остидаги жанг- чиларга яқин биродар- лардек меҳрибон, дил-

дан зиёд вақт мобайнида тинимсиз жанглар олиб борган эсаларда, шаҳар- ни ололмдилар. Темур Малик ва унинг жангчилари шаҳар остоналарида душманни ер тишлашида давом этиб душмандан ўч олардилар. Чингизхон Хў- жандга янги-янги қисмлар юбориб туришга мажбур бўлди. Энг катта жанглар- нинг бирида шахсан Темур

истеҳком мудофаачилар- га қўл келарди. Темур Малик дарё кемаларни ба- нд этиб, минга яқин шиддаткор жангчилари билан ана шу оролдаги қалъани ишғол этди. Қалъага бир қисм Хўжа- нд аҳолиси, ҳашарчилар ҳам ўтдилар. Орол дарё киргоғидан узокда бўлиб, мўғуллар- нинг пайконлари ва па- лахмонлардан отган тош- лари унга ета олмас эди. Машхур муаррих Раши- ддиннинг «Жомеъ ат- таворих» («Тарихлар маж- муаси»)да айтилишича, мўғуллар Хўжандни эгал- лашгач, у ернинг тирик қолган барча ёш-ялангла- рини тўплаб, уларга Бин- кент ва бошқа шаҳар- қишлоқлардан келтирил- ган асирларни ҳам қў- шиб, дарёнинг иккала қирғоғига элик мингга яқин киши тўлаганлар ва бу одамларни ўн ёки юз- тадан қисмларга бўлиб, уч фарсахлик (бир фар- сах 6-7 км) ердан тоғлар- даги тошларни ташиб келишга мажбур қилганлар. Бундан мақсад дарёни бўғиб, оролни сувга бос- тириш ва мудофаачилар- ни тирик қўлга олиш эди.

Хабибулла ЗАЙНИДДИН. (Давоми бор)

«КИЧИК САХНА» УСТАЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Ма м л а к а т и м и з д а санъат байрамларини ўтказиш яхши аънамага айланади қолди. Кўгирчоқ театрлари ижодий кури- гини ташкил этиш ҳам аҳолини эстетик тарбия- лашда муҳим омиллар- дан бирига айланади.

Шу куннинг сентябрь ойида уюштирилаётган навабдаги кўгирчоқ теа- трлари республика фе- стивалига ҳам қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хар сафаргидек бу йил ҳам бундай маданий тадбир оммавий тус олади.

Самарқандда бўлиб ўтаётган ушбу санъат ку- риги мамлакатимиздаги барча кўгирчоқ театрла- ри учун жиддий ижодий имтиҳон бўлади. Шуниси муҳимки, фестивалга ташкилий Давлат театр санъати институти ҳам фаол қатнашади.

Кўгирчоқ театрлари фестивалига Қозоғистон, Тожикистон, Туркменис- тон ва Россиядан ҳам санъаткорлар тақлиф этилади. Покистон, АҚШ- дан ҳам «Кичик сахна» усталари Самарқандга ташриф буюрадилар.

Гулзода ХУДОЙБЕРДИЕВА

УРУШЛАРДАН ЮЗИ ҚОРА ЧИҚМАГАН

нинг ҳақиқий қаҳрамонла- ридан бири бўлган Темур Малик бошчилиқ қилди. Темур Малик қаромғида душман қўшинларига нис- батан беш-олти баробар оз лашкар бўлишига қара- май ҳар жиҳатдан устун турган мўғулларга талай талафотлар келтириб жанг- ларда жавлон урди. Ёвлар Хўжанддагидек гоё қаттиқ ва кучли қаршиликка қар- ииб Моварауннахрнинг ҳеч бир ерида дуч келма- ган эдилар. Улар олти ой-

Малик мислсиз жасорат кўрсатиб, мўғулларнинг номдор баҳодирини Жаргал нўёни икки нимта этиб ташлади. Шонли саркарда- нинг бу улкан ғалабаси мў- гуллар орасига яна-да са- росима ва парокандалик солди. Хўжандда яқин вақт ичида ғалаба қозонишларига уларнинг кўзлари ет- май қолди. Темур Малик жангчилари бу йирик ғала- бадан руҳланиб, тун-кун де- май фидойилик билан жанг қилдилар. Саркардани- нг мўғулларга қарши ку- рашдаги ғолибона ҳара-

бошладилар. Ҳеч қаердан ёрдам бўлмаган ҳамда сафлари анча сийракла- шиб қолган Хўжанд қасос- корлари эндиликда кураш- нинг ҳал этувчи босқичини шаҳардан бир қақирим қуйроқда, Сирдарё ўрта- сидаги оролга жойлашган қалъада давом эттиришга қарор қилдилар. «У улғувор бир қалъа эди. Гўё қўқда сўзган булутдай унга на қўл етсин, на ишғол этиб бўл- син», деб ёзган эди XIII аср муаррихи Ибн ал-Асир ўша қалъа ҳақида. Оролдаги бу қадимий

Ўқинг - қизиқ


КҮК ЧОЙ - ТИШ ДАВОСИ

Япон олимларининг текширишлари шуни кўрсат- дики, кўк чой дамламаси тишининг эмал қатламини кемираётган турли микроорганизмларнинг кўпайи- шини тўхтатар экан. Олимларнинг таъкидлашича, пол- фенол бирикмаларидан айниқса галлокатоксин ало- ҳида ҳимоя вазифини ўтар экан. Агар овқатдан кейин ҳар гал бир-икки пиёла кўк чой ичсангиз, шу- нинг ўзиёқ тишингиз емирилиши олдини олади.

ҚҮРҒОШИНСИЗ БЕНЗИН

Ҳозирги замон бензин ишлаб чиқариш техноло- гиясида бензинга албатта қўрғошин эритмаси қў- шилади. Бензин таркибидеги энг захарли модда бўлган қўрғошин, ёнилги ёнганда фаол иштирок этиб, газлар билан қўшилиб, ўзи ёнмай глушитель орқали атмосферага чиқади ва атмосферани заҳарлайди. Ҳозир Европанинг кўп қисмида қўрғошин- сиз асфалти бензин сотилмоқда. Айниқса, Герма- ния, Франция, Швейцария, Швеция каби давлатлар- да ҳам экологик соф бензин сотилмоқда.

Илхом ШЕРМУҲАМЕДОВ.



Мажнунтолга дардим айтаман, У бошини эгиб тинглайди. Хумор кўзли ёр соғинчини- Тушунар у, қалбим англайди.

Ашким каби тинмас фаввора, Сув отилар кўзид сўзидан. Армонимни билар мажнунтол, Раҳмдил йўқ унинг ўзидан.



ДИРИЖАБЛЬ НИМА?

Дастлабки дирижабль Россияда 1812 йилда На- полеонга қарши урушда ишлатилган. Ҳали замона- вий самолёт ва вертолёт- лар яратилмасидан олдин оғир юк ташиш дирижабль зиммасида эди. Маълумки, дирижабль корпуси ичидаги газ(ге- лий) ёки водороднинг кў- тарилган кучи ҳисобига бала- ндлайдиган ҳаводан энгил учиб аппаратида тури. Уни бошқарадиган аэростат дейиш ҳам мумкин. Зотан, «дирижабль» сўзи фран-

цузчада «бошқарилувчи» деган маънони билдиради. Дирижабль об-ҳаво ин- жинкчилигини, кучли шамолни ҳам пиланд қилмайди, йил- нинг ҳар қандай вақтида хизматга тайёр. Бунинг ус- тига у жуда олис масофа- ларга ўча олади, исталган жойга қўйиб, исталган жой- дан кўтарилади. 500тонна- гача юк кўтариши мумкин. Ҳисобларга қараганда, 100тонна юк кўтаридиган битта дирижабль 25-30 ав- томобилнинг ишини бажа- ради.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ТАЛАБАЛАРГА ЯНГИ АДАБИЁТЛАР

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида янги дарслик ва ўқув қўлланма- ларини яратиш вазифаси ҳам жиддий қилиб қўйил- ган. Ана шу талаблар асо- сида кўпгина ўқув ада- биётлари босмага тайёр- ланиб, ўқувчи ёшларга тортқ қилинади. Бу хил китоблардан бир нечтаси янги 1999-2000 ўқув йили- да олий ўқув юртидаги таълим жараёнидаги тадбиқ қилинади. Бу ҳайрли ишга Ўзбе- кистон Фанлар академия- си институтлари олимла- ри ҳам муносиб ҳиссалар- ини қўшаётганликларини айтиб ўтиш жоиздир. — Бизнинг олимлари- миз янги дарслик ва қўл- ланмалар яратиш устида жиддий иш олиб бори- дар, — дейди академияни- нг илмий кадрлар бош- қармаси бошлиғи Сиро- жиддин Каримов. — Бу из-

ланишлар натижаси ўларок ҳозирнинг ўзида қатор ян- ги ўқув адабиётлари бос- ма юзини кўрди. Академиянинг Механика ва иншоотларнинг сейсми- ку мустаҳкамлиги институти олимлари тузган қўлланма- лар ҳам янги ўқув йилида олий ўқув юртидаги яхши совға бўлади. «Механизм- лар ва машиналар назар- яси» номи ўқув қўллан- ма шулар жумласидан. Ўқув институт олимлари муал- лифлигида босмага тайёр- ланган машиналар детал- ларини тиклаш бўйича дар- слик эса республикамиз техника олий ўқув юрти- да асосий адабиётлардан бири бўлиб хизмат қи- лади. «Иқтисодий модел- лаштириш амалиёти» деб номланган ўқув қўлланма устида иш олиб боришда институт республика Банк- молия академияси билан ҳамкорлик қилди. Шунинг-

дек, «Механизм ва маши- налар назариясида элект- рон-ҳисоблаш машинала- ри ёрдамида лаборатория ишларини бажаришга доир услубий кўрсатма ҳам тайёрланди. Академиянинг электро- ника институтида ҳам янги дарслик ва қўлланмалар яратилди. Академик ли- цейлар учун физика фани ўқув дастури таълим жа- раёнига тадбиқ этилади. Физикавий электроника бўйича янги тузилган рус- ча-ўзбекча атамалар луға- ти ҳам муҳим қўлланмалар- дан бирига айланади. Янги ўқув йилида та- лабаларга кимё фани бўйича ҳам талайгина ада- биётлар тақдим қилинмоқ- да. «Кимёвий технология жараёнида ва қурилмала- ри фани бўйича амалий машғулотлар», «Нефтни қайта ишлаш технология- си», «Электро-кимёвий таъ-

лил усуллари» каби ўқув қўлланмалари бирин-ке- тин нашрдан чиқади. Бундан ташқари уму- мий кимё фани бўйича лаборатория машғулот- ларини олиб бориш, «Ор- ганик кимёдан тестлар» каби қатор янги қўллан- малар устида ҳам сама- рали иш олиб борилади. Олий ўқув юртида йўлга қўйилган биоорга- ник кимё курси бўйича ҳам ўқув адабиётлари чоп этилмоқда. «Биоорганик кимё курси» дарслиги эса келгуси йили нашрдан чиқади. Бу каби янги адабиёт- ларни яратишда умумий ва ноорганик кимё, ўсим- лик моддалари кимёси, полимерлар кимёси ва физикаси, биоорганик кимё институтлари олим- лари самарали ишланмоқ- далар.

Билиб қўйган яхши

Нима учун танамиз ҳарорати соғлом вақтда қўлтиқ остида 36,5 - 36,9 даражасига тенг, нега энди 20,0 ёки 50,0 даража эмаслигини ўйлаб қўрганмисиз? Тана ҳароратининг меъёрдигидан кескин кўтари- лиши ёки пасайиши кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши маълум. Бир гуруҳ олимлар тана ҳароратининг меъёри борасидаги масала ҳусусида шундай фикр билдирганди: 36,5 - 36,9 даража ҳароратда танада модда алмашинуви, ферментив ва барча физиологик жараёнлар маромда кечади. Ҳарорат кўтарилиши билан модда алмашинуви дастлаб кучайса ҳам, кейин- чалик ферментлар ўз фаоллигини йўқотиб, оқсиллар ивийди. Натижада бадан ҳалокатга учрайди. Қўлтиқ ости ҳарорати 35,0 даражага тушганда эса гипотермия, яъни тананинг совуши бошланади, мод- да алмашинуви сусайиб, аста-секин тўхтабди ва ҳа- локат рўй беради. Ҳарорат ортишининг ҳалокатли таъсирини қарамай, баъзи ҳайвонлар тана ҳароратининг кўтарилишига махсус мослашган ёрдамида чидайди. Масалан, бей-

за деб аталувчи Африка оҳусининг оғирлиги 100 кило- грамм бўлиб, жазирама иссиқ таптайда эрталабдан кеч- га юраверади. Шу ҳайвонда тўғричак ҳароратини 6 соат давомида 46,5 даражада сақлаб турилганда ҳеч қандай зарарли оқибат юз бермади. Аслида ҳарорат кўтарилишига нисбатан сезгир бўл- ган марказий асаб тизими 46 даражада ҳалок бўлиши керак эди. Маълум бўлишича, бу ҳайвоннинг бунчалик юқори ҳароратга бардошлиги сабаби бирмунча сови- ган қон марказий асаб тузилишига таъсир этиб, ис- сикликни бошқариш реакциясини вужудга келтиради. Одамнинг иссиқда қизиқ ёки совуқда қотиб қолмас- лигини худди шу марказ бошқариб туради.

Маълумотларга кўра, агар микраскопдагина кўринадиган бир хужайрали ўсимликлардан тортиб то бўйи 100 метргача етадиган секвойя дарахтларининг ҳамма- си бирга қўшиб ҳисобланса, дунёда 500 мингга яқин

ўсимлик тури мавжуд эканлиги маълум бўлади, бу ра- қам қанчалик катта кўринмасин, ҳайвон турларидан 4-5 марта оз, аммо сони жиҳатидан ўсимликлар ҳайвон- лардан бир неча юз марта ортиқдир. Ўсимлик турларининг 300 мингга яқини гулли ўсим- ликлардир. Маданий ўсимлик турларининг сони 30 мингга бо- ради. Шундан 12 минг тури доимий суратда фойда- ланиладиган ўсимликлардан иборат. Бунинг 11 минг- га яқин тури гулли ўсимликларга, қолган мингдан ор- тикроқ тури эса юқори спорали ва ямангоч уруғли ўсимликларга тўғри келади. Сувўтларининг жами 40 мингдан ортиқроқ тури мав- жуд. Бир йилда ҳамма ўсимликлар яратадиган биологик масса тахминан 450 миллиард тоннадан иборат бў- либ, унинг 90 фоизини сувўтлар беради.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латилов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Басмаханаси. Қорхона маънази: «Бук Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топширилган вақти: —21.00. Топширилди: 24.00